



ТАСДИКЛАЙМАН»

Ёзёвон туман ирригация

бўлими В.И.Б бошлиғи

Ш.Султонов

2022й

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Ёзёвон-2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети Ёзёвон туман ирригация бўлими Янги канални 0 ПК дан ПК 02+90 гача жорий таъмирлаш ишлари.

1.2. Танлов қиймати 97665888 (Тўксон етти миллион олти юзи олтмиш беш минг саккиз юзисаксон саккиз) сум. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 31 Декабрь кунигача .

1.5 Махсулотни олиб келиш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Ёзёвон туман ирригация бўлими (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили:Ёзёвон тумани Ал-фарғоний кўчаси 31 уй

Эл.адрес:

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Ёзёвон туман ирригация бўлими “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:
танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:
кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.4. Қўйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

● Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР


7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади



ТАСДИКЛАЙМАН»

Ўзёвон туман ирригация
бўлими в-в б бошлиғи

Ш.Султонов

« _____ » 2022й

II ТЕХНИК ТОПШИРИК.

№	Асосий маълумотлар номи ва талаблари	Асосий маълумотлар таркиби ва талаблар
1	Буюртмачи	Ўзёвон туман ирригация бўлими
2	Ишлаб чиқариш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 10.05.2022 йилдаги 243-сонли қарори
3	Қурилиш тури	Жорий таъмирлаш
4	Молиялаштириш манбаи	Давлат бюджети
5	Чегараланган якуний қиймати	ҚҚС билан 97 665 888 сўм ҚҚС сиз 84 926 859 сўм
6	Лойиха ташкилотининг номи	"Фаргона Рахматжон Топограф" х/к
7	Пудрат ташкилотининг номи	Танлов (тендер) савдолари орқали аниқланади.
8	Объектни фойдаланишга топшириш муддати	1 ой
9	Лойиханинг атроф-мухитга таъсири бўйича талаблар.	Амалдаги меъерий ҳужжатларга мувофиқ атроф мухит учун (ЗВОС) ишчи лойихасини ишлаб чиқиш. Талаб этилмайди.
10	Энергия самарадорлигини таъминлаш бўйича лойихавий ечимларга талаб.	Қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш даврида энергия тежамкор ускуналардан фойдаланиш.
11	Фуқоро муҳофазаси ва фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш бўйича муҳандислик-техник чора- тадбирларни ишлаб чиқиш талаблари.	Фаргона вилояти Фавқулдда вазиятлар бошқармасининг техник шартларига мувофиқ.

12	Ногиронлар ва имконияти чекланган одамларнинг яшаш шароитларини таъминлашга қўйиладиган талаблар.	Талаб қилинмайди
13	Қурилиш объектнинг мураккаблик тоифаси	Объектнинг мураккаблик даражаси - III.
14	Лойихани молиялаштириш тартиби:	Молиялаштириш шартлари: бўнак-танлов савдолари натижаларига кўра аниқланган қурилиш қийматидан жорий йил учун 30% (ойига 15% дан); жорий молиялаштириш-базарилган ишларнинг хажмидан 95% миқдорда, ажратиб берилган бўнакни пропорционал равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, қурилиш ишларини яқунлагач ва кафолат муддати тугагандан сўнг 5% миқдорда
15	Техник ва бошқа ҳужжатларни пудратчига топшириш бўйича талаблар	Пудратчига белгиланган тартибда тасдиқланган ва келишилган ишчи лойиханинг чизмалари, иш хажмларининг электрон шакли (MS "Excel") форматда тақдим этилади.
16	Иш сифати ҳажми ва муддатларига қўйиладиган талаблар	Барча ишларни лойихадаги маълумотларга мувофиқ амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва қабул қилиш учун қурилиш коидалари ва коидаларнинг тегишли бобларига мувофиқ бажариш керак.
17	Лойихалаштириш босқичи	Бир босқичи ишчи лойиха
18	Объектнинг асосий техник-иктисодий кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш қуввати, ишлаб чиқариш дастури, шу жумладан турар-жой бинолари ёки жамоат бинолари, уларнинг мақсади (қаватлар сони ва квартираларнинг сони, сифими).	0.3 км Жорий таъмирлаш (Нуксон далолатномага биноан)
19	Ободонлаштириш ва кичик меъёрий шаклларга бўлган талаблар.	Қурилиш ишлари яқунлангандан сўнг ободонлаштириш ишларини назарда тутиш.

20	Юк кўтарувчи ва ўраб турувчи конструкциялар учун структуравий ечимлар ва материалларга қўйидагиларга асосан талаблар.	Амалдаги меъерий хужжатларга мувофик.
21	Ёнги хавфсизлиги бўлимининг ишлаб чиқаришга қўйиладиган талаблар.	Амалдаги норматив хужжатлар талабларига мувофик.
22	Ташқи транспорт алоқалари ва етказиб бериш схемаси	Лойихалаш давомида талаб қилинадиган материалнинг олиб келиш ёки чиқариш масофасининг жойлашув жойини аниқлаш ва транспортнинг бориш-келиш учун схематик харитасини тузиш.

III Нархлар қисми

Ёзёвон туман ирригация бўлими

№	Номи	Талаб этилади			
		Улчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Умумий қиймати
1	Толқудуққум канали	км	0.3	84926859	97665888
Жами:					97665888

Ёзёвон ТИБ в в б бошлиғи:



Ш.Султонов